



Куръони Карим нозил килинганига 14 асрдан ошган бўлса-да, хар куни ундаги бирор воқеа билан боғлиқ илмий кашфиётлар эълон қилинмоқда. Албатта, 14 аср аввал айтилган гапларнинг илмий ҳақиқати энди-энди топилаётгани бу Китоб Аллохнинг Қаломи эканлигининг ва Мухаммад (алайҳиссалом)га мўъжиза ўларок нозил қилинган, унинг мўъжизалиги эса қиёматга қадар давом этадиган Китоблигининг очик-ойдин исботидир. Ана шундай илмий мўъжизалардан бири қарга билан боғлиқ мўъжизадир.

Куръони Каримнинг Моида сурасида шундай оятлар бор: «Уларга Одамнинг икки ўғли (Кобил ва Хобил) ҳақидаги хабарни ҳақиқати билан ўқиб беринг! Иккиси қурбонлик қилганларида, бирдан қабул қилинди, унисидан эса қабул қилинмади. (Қурбонлиги қабул бўлмаган Кобил укаси Хобилга): «Сени, албатта, ўлдиражакман!» – деди. (Хобил) эса: «(Қурбонликни) Аллох аслида такволи қишилардан қабул қилур. Агар мени ўлдириш учун қўлингни мен томонга чўзсанг, мен сени ўлдириш учун Сен томонга қўлимни чўзувчи эмасман. Ахир, мен оламлар робби – Аллохдан қўрқаман. Мен ўзимнинг гуноҳимни ҳам, ўз гуноҳингни ҳам (зиммангга) олиб кетишингни ва дўзах ахлидан бўлишингни хоҳлайман. Золимларнинг жазоси шудир», – деди. Унинг (хавойи) нафси биродарини ўлдиришни хуш қўрсатди ва дархол уни ўлдирди. Шу билан у зиён қўрувчилардан бўлиб қолди. Шундан сўнг, Аллох унга биродари мурдасини қандай қўмишни қўрсатиш учун ерни қавловчи бир қаргани юборди. «Ҳолимга вой! Нахот, шу қаргачалиқ бўлишдан ожиз бўлсам? (Мен ҳам) биродарим жасадини (тупрокка) қўма қолай», – деди. Шундай қилиб (у) пушаймон қилувчилардан бўлиб қолди» (27-31).

Ер юзидаги илк жинойт инсонни ўлдириш, қотиллик бўлиб, Одам (алайҳиссалом)нинг икки ўғиллари ўртасида содир бўлган. Кобил ўз укаси Хобилни ўлдирган. Бунга сабаб Хобилнинг қилган қурбонлиги қабул қилиниб, Кобилнинг қурбонлиги қабул қилинмагани эди. Демак, бу жинойтга Иблиснинг васвасаси, ҳасад, гина, адоват сабаб бўлган экан. Мана шунда Аллох таоло Кобилга ўз укасини қандай дафн этишни ўргатиши учун қаргани юборади. Хўш, нима учун Аллох таоло бошқа қушни эмас, айнан қаргани юборди? Аллох таолонинг инсон жасадини қандай дафн этишни ўргатиши учун қаргани юбориши бежизга эмас, албатта. Қуръондаги ушбу мўъжизани замонавий илм-фан яқиндагина

исбот килди.

Биология ва зоология фани мутахассисларининг таъкидлашларича, карга кушлар орасидаги энг зийрак ва шу билан бирга энг маккор куш экан. Бунга сабаб карганинг мияси бошка кушлар миясига нисбатан каттарок хажмга эга эканлигидир.

Соха мутахассисларининг айтишича, бошка кушлардан фаркли ўларок, каргалар оиласида ўзига хос суд, махкама жараёни бор экан. Бу махкамада оила ва жамоа низомига бўйсунмаган ахлоксиз карга суд килинади. Кизиги шундаки, бу суд Аллохнинг мархамати билан адолат асосида олиб борилади.

Каргалар жамоасида хар бир жиноят учун муайян жазо белгиланган.

Масалан, бирор карганинг ёш полапони огзидаги лукмасини тортиб олган каргага суд томонидан ўша карга то учолмайдиган бўлиб колгунича битта кўймай патларини юлиш жазоси тайинланади. Жабрланган томон жиноятчи карганинг патларини шу кадар юлиб ташлашадики, натижада жиноятчининг ўзи хам халиги полапон каби учолмайдиган, заиф бўлиб қолади.

Каргалар инини золимларча эгаллаб олган ёки уни бузган каргага адолатли суд томонидан жабрланган карга учун янги ин куриб бериш вазифаси юклатилади.

Бошка карганинг ургочисига тажовуз килган, тегажоглик килган карга ўлимга махкум этилади. Ургочи карганинг кариндошлари жиноятчи каргани тумшуклари билан то у ўлгунича уриб, чўкишади.

Каргалар махкамаси, одатда, бирорта экинзор далада ёки кенгрок майдонда олиб борилади. Аввалига махкама хайъати аъзолари белгиланган жойга келишади ва шундан кейин айбланувчи карга кўрикчилар хамрохлигида ва каттик назорат остида майдонга келтирилади. Суд бошланганда айбдор карга бошини куйи солиб, канотларини тушириб, айбини тан олгани учун кагилламай жим туради. Агар махкама томонидан жиноятчи каргага ўлим жазоси тайинланса, хамма каргалар уни ўткир тумшуклари билан чўкиб, уриб ўлдиришади. Ўлгандан кейин каргалардан бири уни кўмиш учун жасади бемалол сигадиган килиб ер казийди. Кейин хаммалари бирлашиб жасадни эхтиёткорлик билан кабрга тортишади. Сўнг уни хурмат килгандек, тупрокни хам устига аста-секин тортишади. Шундай килиб, инсон боласи кўпинча жорий килолмайдиган илохий адолатни улар койиллатиб ўрнига кўйишади. Бундан ташкари, олимларнинг маълумотларига кўра, бошка кушлар орасида факатгина каргалар кабр кавлаб, ўлганларини ерга кўмишар экан.

Мана, нима учун Аллох таоло инсонга дафн килишни ўргатиши учун каргани юборганини билиб олдик. Ха, азизлар, Роббимиз – Хаким Зот! У хеч бир ишни беҳикмат килмайди. Куръони Каримнинг бу каби янги-янги мўъжизалари киёматга кадар тўхтовсиз равишда чикаверади. Шундай экан, мўъжизаларга бой, аклларни шоширувчи бу Китобни кўлдан кўймай ўкийлик, имконимиз борича ўкиганларимизга амал килайлик. Ана шунда икки дунё саодатига эришамиз.

Интернет материаллари асосида

Нозимжон Хошимжон тайёрлади